

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУМАНОВ АЛИШЕР АСАТУЛЛАЕВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(Техника олий таълим муассасалари талабалари мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферат и мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Жуманов Алишер Асатуллаевич

Талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияни
ривожлантириш (техника олий талим муассасалари талабалари
мисолида)..... 3

Жуманов Алишер Асатуллаевич

Развитие технологической компетенции у студентов на основе
интегративного подхода (на примере студентов технических высших
образовательных учреждений)..... 23

Jumanov Alisher Asadullayevich

The development of technological competence of students based on
integrative approach (on the example of technical universities
students)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУМАНОВ АЛИШЕР АСАТУЛЛАЕВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(Техника олий таълим муассасалари талабалари мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2022.2.PhD/Ped3750 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ipitvet.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Химматалиев Дўстназар Омонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Олимов Қахрамон Танзилович
педагогика фанлари доктори, профессор

Даминов Ойбек Олимович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. Ped.48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” ___ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (+99871) 246-92-17, факс: (+99871) 246-90-37, e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (+99871) 246-92-17, факс: (+99871) 246-92-17).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ кун тарқатилди.

(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., академик

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор

Ҳ.Ш.Кадиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., (DSc) доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқариш воситаларининг тобора ривожланиб бораётган техник мураккаблиги мутахассисларнинг касбий интеллектуал фазилатларига ва унинг ижодий қобилиятларига катта талаблар қўяди. Технологик компетенцияни эгаллаш – мутахассис фикрлашининг касбий муҳим сифатидир. Ушбу турдаги тафаккур қилиш кўникмасининг ривожланиши ҳамда мутахассиснинг келгуси фаолиятидаги муваффақияти кўп жиҳатдан олий таълимда касбий тайёргарлик босқичидаги ўқув жараёнининг сифати билан белгиланади. Хусусан, ривожланган мамлакатлар нуфузли илмий тадқиқот марказларининг P. Debrai-Retzen «Talented Student Teacher Model» (Франция), US «Merit» (АҚШ) каби таълим тизимларида бу борада самарали фаолият олиб борилмоқда. Шунинг учун техника йўналиш талабаларида интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантиришнинг ностандарт шакллари, методлари ва воситаларидан мажмуавий фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди.

Жаҳон амалиётида инновацион-интеграцион ва дифференциал ёндашувлар асосида талабаларда технологик компетенцияни ривожлантириш кўникмасини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, ахборотлар билан ишлаш малакасини қарор топтиришга доир олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Айниқса, талабаларни малакали қилиб тайёрлашни халқаро тенденцияларга мувофиқлаштиришда уларда технологик компетенцияни ривожлантириш масаласи устуворлик касб этмоқда. Шу сабабли техника олий таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида шахснинг касбий ривожланиш усуллари йўналиш, хусусан, талабалар учун касбий аҳамиятга эга фикрлаш тарзини ривожлантириш имкониятлари тобора долзарб бўлиб бормоқда. Жумладан, техника йўналишидаги таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлигини интегратив ёндашувлар асосида технологик компетенциясини ривожлантириш олий таълим сифатини янги босқичга кўтаришда муҳим омил ҳисобланади.

Республикамизда таълим жараёнини модернизациялаш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари филиаллари, қўшма факультетлар ва таълим дастурлари амалда жорий қилинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегиясида «узлуксиз таълимни янада такомиллаштириш¹, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сиёсатини давом эттириш», ва «таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, талабаларни тайёрлашнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. //www.lex.uz

мазмуний тавсифлари, электрон таълим муҳити шароитида модулли ва дастурлашган ўқитиш технологиясидан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва табиий-илмий фанлар негизида малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли фармони, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармоқ ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5241-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сонли, 2021 йил 29 мартдаги “Профессионал таълим тизимида Дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 163-сонли Қарори, 2021 йил 26 февралдаги “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 106-сонли Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини ривожлантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касб-хунар таълимининг шаклланиши ва ривожлантириш жараёни, қонуниятлари ва тенденциялари ҳамда таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабоев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Д.Д.Шарипова ва бошқа педагогик олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳамда интеграцион ёндашув асосида технологик компетнецияларини ривожлантириш муаммолари бўйича республикамиз педагог олимлари ва тадқиқотчиларидан: Ж.А.Ҳамидов,

Д.О.Химматалиев, Ш.Ҳ.Кулиева, О.А.Қўйсинов, Х.Ш.Қодиров,
Н.Н.Азизходжаева, О.Қ.Хайдарова, С.А.Усманова, А.И.Авазбоев,
О.Х.Тўракулов, З.Ш.Тўхтаева ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб
боришган.

Талабаларда технологик компетенцияларни ривожлантириш,
такомиллаштириш ва натижасини ташҳислаш масалалари бўйича МДХ
мамлакатлари олимларидан Н.Н.Манько, Е.И.Никифорова, В.С.Безрукова,
В.А.Сластенин И.Исаев, Е.В.Козина, С.В.Дудова, Н.Ю.Каракозова ва
бошқалар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатларнинг олимлари V.Blum, R.Boyasis, S.Brindt,
T.Hoffmann, K.Cameron R.Kuinn, G.Kulanthaivel, G.Lehmann, R.Marr,
A.Maslou, H.Miyakawa, R.Mohan, Dj.Raven, S.Uiddet, S.Xolliford
тадқиқотларида интеграцион ёндашув, замонавий ўқитиш ва педагогик
дастурий воситалардан фойдаланиш муаммолари ўрганилган ва таҳлил
этилган.

Тадқиқот муаммосига оид илмий изланишлар ва манбалар таҳлили шуни
кўрсатдики, олимлар ва мутахассисларнинг тадқиқот ишлари ва нашрларида
билдирилган фикрлар ушбу диссертация ишини амалга оширишда муҳим
аҳамият касб этди. Бироқ, талабаларда интегратив ёндашув асосида
технологик компетенцияни ривожлантириш технологиясини
такомиллаштириш илмий тадқиқот объекти сифатида махсус
ўрганилмаганлиги боис мазкур диссертация иши долзарблик касб этади.

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан
боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини
мустаҳкамлаш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги АИФ-2/18-рақамли халқаро
лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда интегратив ёндашув асосида
технологик компетенцияни ривожлантириш методикасини
такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияларни
ривожлантиришнинг ташкилий ва педагогик шарт-шароитларини аниқлаш
ҳамда дидактик таъминотини такомиллаштириш;

талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияни
ривожлантиришнинг методик моделини тизимлилик, узлуксизлик,
вариативлик, интегративлик тамойиллари асосида такомиллаштириш;

интегратив ёндашув асосида талабаларда технологик компетенцияларни
ривожлантириш методикасини интерфоал таълим методлари асосида ишлаб
чиқиш;

талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияларни
ривожланганлик даражалари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти техника олий таълим муассасаларида
талабаларнинг технологик компетенциясини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети интегратив ёндашув асосида талабаларда технологик компетенцияни ривожлантиришнинг мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида мавзуга оид фалсафий, педагогик ва психологик манбалар, малака талаблари, касбий стандарт, тармоқ таълим стандарти, ўқув режалар, ўқув дастур ва модуллар мазмунини қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, моделлаштириш (лойиҳалаш), педагогик-ижтимоий (тест, анкета-сўров, суҳбат, кузатиш) ва тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда натижаларни математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларда технологик компетенцияни ривожлантиришнинг ташкилий тузилмасининг функционал жиҳатларини интегратив ёндашув асосида аниқлаш натижасида таълим жараёнининг тизимлилик, узлуксизлик, вариативлик, модулли ўқитишга асосланган технологиялари мазмунан бойитилган;

таълим интеграцияси мақсади, мазмуни, технологияси ва натижаларини ўзаро тўлдирувчи тартиб асосида лойиҳалаштириш ҳамда талабаларини ўқув-билиш фаолиятдан касбий-йўналтирилган фаолиятга босқичма-босқич ўтиш имкониятини берадиган технологик компетенцияни ривожлантиришнинг методик модели такомиллаштирилган;

талабаларда технологик компетенцияни ривожлантириш методикаси конструкторлик топшириқлари тизимини, ихтирочилик масалаларини ечиш алгоритмини ишлаб чиқиш ҳамда муаммоли видеотопшириқлар, визуаллаштирилган ўқув машқларни бажариш интенсивлигини технологик кетма-кетлигини лойиҳалаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияларни ривожланганлик даражаларини баҳолашнинг диагностик имкониятлари таҳлил, лойиҳалаш, анкета-сўров, кўп даражали тестлар, зиддиятли вазиятлар компелекс фойдаланиш асосида оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Профессional таълим (5430100-Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) таълим йўналиши талабаларининг технологик компетенциясини ривожлантиришга мўлжалланган “Педагогик маҳорат” фанидан электрон дарслик, “Амалий касбий таълим методикаси” фанидан услубий кўрсатма ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган.

Талабаларнинг технологик компетенциясини ривожлантиришнинг методик моделини ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Профессional таълим (5430100-Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши ўқув режасидаги умумкасбий фанлар блокига кирувчи “Касб таълими методикаси” фанини ўқитиш жараёнида талабаларда технологик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган ахборот-дидактик таъминот, жумладан, интерфаол ўқитиш методлари, кейслар тўплами ва машқлар, ижодий топшириқларни ўз ичига олган ўқув

услугий мажмуа ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

“Педагогик маҳорат” фанидан электрон дарслик учун 18.03.2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан № DGU 15132 муаллифлик гувоҳномаси олинган.

“Касбий таълим методикаси” фани бўйича ишлаб чиқилган электрон ўқув қўлланма дастури учун 01.08.2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан № DGU 06809 муаллифлик гувоҳномаси олинган.

“Касбий таълим методикаси” фани бўйича мобил илова дастури учун 2022 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигидан № DGU 18329-рақамли муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Педагогиканинг замонавий ютуқлари таҳлили, ўрганиш мавзуси ва вазифаларига мос келадиган назарий ва эмпирик усуллардан фойдаланиш, тизимли қўллаб-қувватлашни танлаш ва амалга ошириш, иқтисодий самарадорлиги ва мунозарали қўллаб-қувватлаш тизими, тажриба-синовнинг барча босқичлари бўйича тадқиқотлар натижаларини, уларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари таҳлили, таълим жараёнига муаллиф томонидан таклиф этилаётган тизим ва илгари сурилган назарий ҳолатлар асосида лойиҳалаштириш билан тавсифланади. ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ушбу муаммо бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари ва улардан олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий олий таълим шароитида талабаларда технологик компетенцияларни интегратив ёндашув асосида ривожлантиришнинг мазмуни ва хусусиятлари ҳақида илмий тасавурларни кенгайтиришда муаммо тарихийлик нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган ва тақдим этилган, “интегратив ёндашув”, “технологик компетенция” тушунчаларига аниқлик киритилган; умумкасбий ва ихтисослик фанларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш назариясини методологик асоси тўлдирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим талабаларининг касбий тайёргарлик амалиётида, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида кенг қўлланилиши мумкин, чунки улар талабаларни касбий қўллаб-қувватлашнинг мазмуни ва шакллари илмий жиҳатдан асослаш ва тизимлаштириш, уларнинг интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияларини ривожлантириш бўйича мониторингини олиб бориш имконини беради. Тадқиқот ишида таклиф этилаётган назарий хулосалар ва амалий ишланмалар ҳамда методлар талабалар қўлланмалар яратишда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий этиш масалаларига амалий ечим топишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интегратив ёндашув асосида талабаларнинг технологик компетенциясини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

талабаларда технологик компетенцияни ривожлантиришда таълим жараёнининг тизимлилик, узлуксизлик, вариативлик, модулли ўқитишга асосланган технологияларидан фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялари “Педагогик маҳорат”, “Касб таълими методикаси” ҳамда “Амалий касбий таълим методикаси” ўқув қўлланмалари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг 2022 йил 21 октябрдаги 02/01-01-55-сон маълумотномаси). Мазкур ишлаб чиқилган дидактик таъминотлардан таълим жараёнида фойдаланиш таълим сифатини ошириш ва талабаларнинг технологик компетенциясини ривожлантириш имконини берган;

таълим интеграцияси мақсади, мазмуни, технологияси ва натижаларини ўзаро тўлдирувчи тартиб асосида лойиҳалаштириш ҳамда талабаларини ўқув-билиш фаолиятидан касбий-йўналтирилган фаолиятга босқичма-босқич ўтиш имкониятини берадиган технологик компетенцияни ривожлантиришнинг методик модели “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети, Наманган муҳадислик-технология институти ҳамда Жиззах политехника институтларида тажриба-синовидан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг 2022 йил 21 октябрдаги 02/01-01-55-сон маълумотномаси). Мазкур модел талабаларнинг технологик компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилган;

талабаларда технологик компетенцияни ривожлантириш методикаси конструкторлик топшириқлари тизимини, ихтирочилик масалаларини ечиш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда муаммоли видеотопшириқлар, визуаллаштирилган ўқув машқларни бажариш интенсивлигини технологик кетма-кетлигини лойиҳалашга доир методик ишланмалари “Педагогик маҳорат” фанидан электрон дарслик, “Касбий таълим методикаси” фани бўйича электрон ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг 2022 йил 21 октябрдаги 02/01-01-55-сон маълумотномаси). Натижада электрон ўқув қўлланма, мобил илова талабаларнинг технологик компетенциясини ривожлантиришга ҳамда таълимда ўқув курслар мазмуни, ўқитиш методикаси ва педагогик тажриба-синов ишларининг сифат даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та 7 та ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та нашр ишлари эълон қилинган бўлиб, шу жумладан, 1 та электрон дарслик, 1 та электрон ўқув қўлланма, 1 та услубий кўрсатма, 1 та мобил илова дастури, 3 та муаллифлик гувоҳномаси, Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола жумладан, 7 таси республика ва 4 та хорижий журналларда чоп этилган, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Талабаларда интегротив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, ушбу бобда талабаларнинг технологик компетенцияларини ривожлантириш ҳолати ва муаммолари таҳлили, технологик компетенцияларни ривожлантиришда интегротив ёндашувнинг роли ва аҳамияти ёритиб берилган.

Компетентлилик – ўқувчининг тегишли компетенцияларга эга бўлиши. Компетентлилик – ўқувчида таркиб топган шахсий сифатлар ва берилган соҳадаги фаолияти бўйича тўплаган минимал тажрибаси. Компетентлилик – ўқувчининг шахсий сифатлари тўплами бўлиб, белгиланган ижтимоий ва шахсий соҳадаги фаолиятида орттирган тажрибаси билан белгиланади.

Касбий компетенциялар – муайян касб, ихтисослик, мутахассисликни шакллантиришга йўналтирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуидан иборат.

Бу компетенцияларга эга бўлиш учун муайян касб бўйича аниқ билим зарур бўлади ва бу кўникмаларнинг мавжудлиги синов ёки амалий ишни бажариши орқали аниқланади.

Профессional таълим муассасалари ўқувчиларини ўқитишда фанга оид компетенциялар (*касбий компетенциялар таркибида*), умумий компетенциялар (*таянч*) шакллантирилади.

Биз мутахассиснинг касбий компетенциялари деганда касбий соҳада улардан самарали ва сифатли фойдаланиши учун зарур бўлган билимлар,

кўникмалар ва малакалар мажмуасини мақсадга мувофиқ қўллашга тайёрлиги ёки қобилиятини тушунамиз.

“Касбий компетенция” тушунчаси кўпинча олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишда ўқув-касбий тайёрлик жараёнида шаклландиган, талабанинг келгусидаги ўзининг бевосита фаолияти предметини яхши билиши сифатида таърифланади. Аммо, шуни қайд этиш лозимки, фаолиятни билиш билан касбий меҳнат вазияти чекланмайди. “Касбий компетентлилик” – бу интеграл тушунча бўлиб, компетенциянинг бир нечта компонентларини ёки турларини ўз ичига олади.

Бугунги кунга қадар “Технологик компетентлилик” тушунчасининг аниқ таърифи мавжуд эмас. А.А.Вербицкий, Н.Н.Манько, Е.И.Никифорова, Н.Б.Пикатова, Д.В.Санников, В.Э.Штейнберг, Л.А.Ядвиршис ва бошқа тадқиқотчилар ушбу тушунчани аниқлаштиришга ҳаракат қилганлар. Ушбу муаллифлар томонидан технологик компетентлиликка берилган таърифларида, ушбу компетентлиликка эга бўлган ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги, натижавийлиги ва юқори маҳсулдорлиги ҳақидаги ғоялар қайд этилган. Ю.Арутюнов, В.Безрукова, В.Беспалько, В.Иванченко, Д.Кавтарадзе, В.Питюков, Л.Подымова, Э.Полат, В.Сериков, В.Симоненко, В.Сластенинлар эса ўқитувчининг технологик компетентлиги ўқитувчини назарий ва амалий тайёргарлик бирлигини ифодалайди, деб ҳисоблайдилар. Н.Н.Манько, Е.И.Никифорова, Е.В.Козина ва С.В.Дудоваларнинг фикрига қўшилган ҳолда технологик компетентлилик ушбу тадқиқот ишида замонавий ўқитувчи касбий компетентлигининг бир қисми сифатида қаралади, “... технологиялар, методлар, воситалар, фаолият шакллари ва уларни қўллаш шартлари, ташкил этишни билиш ва технологиялар ҳақида тасаввурга эга бўлиш билан тавсифландиган интегратив касбий сифатлар, уларда ижодий қобилиятлар, лойиҳалаш кўникмалари, таҳлилий кўникмалар ва ўз фаолияти натижаларига нисбатан рефлексив ҳолатда намоён бўлади”.

Н.А.Муслимовнинг фикрича технологик компетентлилик – касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойтадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш демакдир.

Технологик компетенция педагогик вазифаларни бажариш, таълим жараёни субъектларининг ўзаро алоқасини ташкил этиш, ўқув жараёнини бошқариш, касбий-ижодий муҳит яратиш, ўқув-касбий фаолиятни лойиҳалаш ва амалга ошириш, касбий-билиш фаолияти босқичлари, талабаларини тайёрлашнинг кафолатланган натижасини таъминлайди.


Технологик компетенция - ўқув фанларида ва таълим соҳаларида, шунингдек, атроф-муҳит маълумотларга нисбатан муносабат кўникмаларини шакллантиради; замонавий ахборот технологиялари соҳасидаги билимларга эга бўлиш (телевизор, магнитофон, телефон, факс, компьютер, модем, ва.х.к.) ахборот техникасини билиш (аудио ва видеоёзув, электрон почта, ОАВ, Интернет); қидирув, таҳлил ва зарур ахборот маълумотларига эга бўлиш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва узатишдан иборат.

Юқорида олимларнинг фикрларини таҳлил қилиш асосида биз талабаларнинг технологик компетентлиги тушунчасига ўзимизнинг муаллифлик тарифини келтирдик.

Талабаларнинг технологик компетентлиги – турли техник қурилма ва компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича муайян кўникмаларга эга бўлиш, турли манбалардан маълумот олиш, ундан умумлашган ҳолда самарали фойдаланиш, маълумотларни таҳлилий қайта қуриш кўникмаларини ривожлантириш, ўзининг фан ва касбий фаолиятга тайёргарлиги соҳасида ахборот оқимлари хусусиятларини билишни ўз ичига олади.

Технологик компетенция талабаларининг касбий ва шахсий сифатлари мажмуаси сифатида тақдим этилади. Компетентли ёндашув ғоялари профессионал таълим ўқитувчиси бошқарув, лойиҳалаш, ижтимоий, педагогик компетентликда акс эттирилган шахсий сифатларини интеграциялайди.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган умумкасбий ва ихтисослик фанлари (“Касбий таълим методикаси” ва “Қишлоқ хўжалиги машиналари”)ни ўқитишда ривожлантириладиган технологик компетенциянинг таркибий тузилмаси бевосита талабанинг технологик компетенциясининг шаклланишида қуйидаги 4 та асосий: ўқув-касбий, илмий-тадқиқот, таълимий-лойиҳалаш ва ташкилий-технологик йўналишларда асосий хусусиятларига боғланган ҳолда амалга оширилиши ва ривожланишига асос сифатида хизмат қилади (1-расмга қаранг).



1-расм. Технологик компетенциянинг таркибий тузилмаси.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, технологик компетенция вазифалари касбий фаолият субъектларининг ўзаро таъсирида, ўқув жараёнини ташкил этишнинг турли шаклларида намоён бўлади. Технологик компетенцияни бевосита талабаларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлайди: бошқарув, педагогик, лойиҳавий, ижтимоий билимлар, кўникмалар, меъёрлар ва қадриятларни ўзлаштириш, шунингдек бошқарув-педагогик, лойиҳавий-

технологик фаолиятни амалга ошириш ҳамда ижтимоий ўзаро муносабатларни ривожлантиришни таъминлайди.

Диссертациянинг **“Талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида талабаларда технологик компетенцияларни интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари, ўқув-услубий таъминоти, талабаларда технологик компетенцияларни фанлараро интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш модели ҳамда ривожлантириш методикаси келтириб ўтилган

Талабаларни касбий фаолиятга тайёргарлигини амалга ошириш фанлараро узвийликни самарали таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланиб, асослаб берилган, айнан эса:

- мутахассис шахсининг касбий йўналганлигини муҳим, мазмунли, функционал ва тузилмавий хусусиятларга эга интегратив ёндашув асосий пойдевори (таянчи) сифатида кўриб чиқилган;

- таълим интеграцияси мақсади, мазмуни, технологияси ва натижалари бўйича ўзаро тўлдирувчи тартиб асосида талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш модели лойиҳалаштирилган;

- талаба (шахс) – фаолият таълим технологиялари доирасида талабалар ўқув-билишга фаолиятдан касбий-йўналтирилган фаолиятга ўтиш имкониятини берадиган ушбу жараёни босқичма-босқич, ўзгарувчан амалга оширилган;

- касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда интегратив ёндашувни амалга ошириш мақсадида педагогик ва махсус (техник) фанлар интеграцияси жараёни тузилмаси ишлаб чиқилган.

Интегратив ёндашув асосида талабаларнинг технологик компетентлигини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифа (мақсад)ларга эришиш учун олий таълим муассасалари ўқитувчилари тизимли равишда бу ишни амалга оширишлари зарур.

Ўзаро алоқадорлик: а) педагогика назарияси ва амалиётига умумий интеграция ғояларини аниқ татбиқ қилиш базаси; б) педагогик интеграцияни ривожлантириш учун махсус ташкил қилинган педагогик шароитни таъминлайди; в) интеграция жараёнларини бошланғич таркиби ва мазмунини белгилайди; г) интеграция жараёнига йўналтириш – уни аниқ педагогик мазмун билан тўлдиради.

Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларда технологик компетенцияларни ривожлантиришга имкон берувчи ўқув–методик таъминотни яратишда интерактив электрон таълим ресурсларини жорий этишга катта эътибор берилди. Машғулотларда электрон таълим ресурслари ва виртуал лабораториядан фойдаланиш натижасида талабада ўқув материалларини тез ва қулай усулда кўриш, эшитиш ва тафаккур қилиш орқали мустаҳкам ва чуқурроқ ўзлаштириш, энг асосийси мустақил таълим олиш имконияти кенгайди. Талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш учун фаол ва интерфаол

таълим методлари кўлланилди. Фаол таълим методлари талабаларнинг билиш (когнитив) фаоллигини намоён қилади. Интерфаол методлар ҳамкорликдаги таълим (ҳамкорликда ўқитиш)ни ташкил қилиш имконини беради, бу ерда талаба ўқув жараёни субъекти саналади. Талабалар ўқув жараёнида тўлиқ иштирок этадилар, унинг тажрибаси ўқиб-ўрганиш ва билишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ўқитувчи тайёр билимларни бермайди, балки иштирокчиларни мустақил изланишга даъват этади ва бу ишда ёрдамчи функциясини бажаради. Ушбу методлар ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишга ва юқори натижаларга эришишга; фанни ўрганиш учун мотивацияни оширишга; талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга; аудиториядаги ишларининг улушини қисқартириш ва талабаларнинг мустақил иши ҳажмини оширишга ва бошқаларга ёрдам беради.

Айтиб ўтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда “Талабаларда интегротив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантириш” модели ишлаб чиқилди. Ушбу модел ҳар бири ўз вазифасини бажарадиган компонентлар мажмуасидан ташкил топган яхлит дидактик тизимни ўзида ифодалаган ҳолда мақсадли, мазмунли, жараён, баҳолаш ва натижавий компонентлардан тузилган бўлиб, унда асосан ишнинг мақсади, вазифалари, биз таклиф этаётган тамойиллар ва педагогик шарт-шароитлар, шакл, метод ва воситалар, баҳолаш мезонлари, баҳолаш даражалари ва олинган натижалар ўз аксини топган (2-расмга қаранг).

Модел компонентлари бир-бири билан аниқ кетма-кетликда боғланган бўлиб, унда технологик компетенциялар мазмунига ва шаклланганлик даражасига қўйиладиган талабларни асослаш жараёни, талабаларда фанлараро интегротив ёндашув асосида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, интегротив ёндашув асосида уларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик технологияларини лойиҳалашни акс эттирувчи таркибий қисми ва технологик компетенцияларнинг шаклланганлик даражаларини баҳолаш диагностикаси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Талабаларда интегротив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантириш модели ишлашининг самарадорлиги қуйидаги педагогик шарт-шароитлар мажмуаси томонидан таъминланади:


1) технологик компетенцияларни шакллантириш ва такомиллаштириш учун ўқитувчининг назарий тайёргарлиги;

2) дифференциациялашган таълимни ташкил қилиш;

3) инновацион муҳитни яратиш;

4) интегротив ёндашув асосида ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш.

Талабаларда интегротив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантириш модели, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган педагогик, техник ва технологик муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, ҳамда уларнинг мустақил билим олишини ва ўз-ўзини ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади.



2-расм. Талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантириш жараёни модели

Модел талабаларда фанлараро интегратив ёндашув асосида касбий компетенцияларни ривожлантириш мақсади (буюртмачилар талабларига мос келувчи рақобатбардош компетентли профессионал таълим ўқитувчисини тайёрлаш, талабаларда касбий компетенцияларни ривожлантириш), педагогик жараён (касбий компетенциялар компонентлари – техник, технологик ва ахборот компетенциялари ҳамда бу компетенцияларни ривожлантириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари), натижавий-баҳолаш (талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенциянинг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва даражаларини аниқлаш) орқали педагогик амалиётга жорий этилди.

Талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияларни ривожлантириш модели педагогик воситаларни ташкил қилади, улар ўртасида турли алоқалар ўрнатади, улардан фойдаланиш тартибини белгилайди ва ривожланиш динамикаси ҳамда яхлитлигини ҳисобга олади.

Талабаларда технологик компетенцияларни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш учун фаол ва интерфаол таълим методлари қўлланилади.

Фаол таълим методлари талабаларнинг билиш (когнитив) фаоллигини намоён қилади. Интерфаол методлар ҳамкорликдаги таълим (ҳамкорликда ўқитиш)ни ташкил қилиш имконини беради, бу ерда талаба ўқув жараёни субъекти саналади. Талабалар ўқув жараёнида тўлиқ иштирок этадилар, унинг тажрибаси ўқув билишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ўқитувчи тайёр билимларни бермайди, балки иштирокчиларни мустақил изланишга даъват этади ва бу ишда ёрдамчи функциясини бажаради.

Ушбу методлар ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишга ва юқори натижаларга эришишга;

фанни ўрганиш учун мотивацияни оширишга; талабаларнинг касбий малакаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга; аудиториядаги ишларининг улушини қисқартириш ва талабаларнинг мустақил иши ҳажмини оширишга ва бошқаларга ёрдам беради.

Тадқиқот ишмизда “Қишлоқ хўжалиги машиналари” фанини ўқитишда дарс машғулотларида “Лойиха” методи, Тармоқлар (кластер) интерфаол методи, “Муаммо” таълим методи, “SWOT-таҳлил” стратегияси, “Блиц-ўйин” методи, “Ассисмент” ва “5-қадам” таълим методларидан фойдаланилди. Ушбу таълим методлари талабаларнинг технологик компетенцияларни ривожлантиришда самарали эканлиги аниқланди.

Диссертацион тадқиқот ишининг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланиб, унда педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг математик–статистик таҳлили келтириб ўтилган.

Мазмуний жиҳатдан такомиллашган профессионал таълим муҳитида модулли таълим дастурларини моделлаштириш асосида талабаларда

интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантириш бўйича Наманган муҳандислик-технология институти, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ва Жиззах политехника институтларида 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021 ўқув йилларда педагогик тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Тажриба-синов ишларида 542 нафар респондент иштирок этди.

1. Фаолиятли-амалий (юқори даража) – интегратив ёндашув асосида касбий компетенцияларнинг шаклланганлиги. Таълим жараёнини ташкил эта олиш. Педагогик амалиёт жараёнида техник билимлар, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш.

2. Изланувчан (ўрта даража) – вазиятга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятини ташкил этиш кўникмасини намоён этиш. Мақсадни аниқлаш ва методикани танлаш.

3. Когнитив (паст даража) – касбий таълим методикаси билимларнинг ўзлаштирилганлиги. Асосий тушунчаларни билиш ва уларга таяниш. Ўқув ютуқларини баҳолаш бўйича билимга эгаллик.

Шакллантирувчи педагогик тажриба-синов давомида талабаларнинг касбий фаолиятни амалга ошириш учун муҳим бўлган билим, кўникма ва тажрибаларни эгаллашларини кузатдик, бу эса олий таълим мазмунини модернизациялаш асосида технологик компетенцияларни ривожлантириш модели самарадорлигини аниқлаш имконини берди.

Педагогик тажриба-синов ишлари уч босқичда ўтказилди.

1-жадвал

НамМТИ, “ТИҚХММИ”МТУ, ЖизПИларида олиб борилган педагогик тажриба-синов натижалари

Технологик компетенцияни ривожлантириш даражалари	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
	Тажриба бошида 274 нафар талаба		Тажриба охирида 274 нафар талаба		Тажриба бошида 274 нафар талаба		Тажриба охирида 274 нафар талаба	
	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
Фаолиятли-амалий (Юқори)	40	14,60	77	28,10	40	14,93	46	17,16
Изланувчан (Ўрта)	80	29,20	132	48,18	75	27,99	81	30,22
Когнитив (Паст)	154	56,20	65	23,72	153	57,09	141	52,61
Жами	274	100	274	100	268	100	268	100

Тажриба-синов ва назорат гуруҳларида (“Касбий таълим методикаси” ва “Қишлоқ хўжалиги машиналари”)ни ўқитишда умумкасбий ва ихтисослик фанларининг ривожланганлик даражаси акс этган (1-жадвал). Тажриба-синовдан олдин тажриба гуруҳида технологик компетенцияларнинг

ривожланганлигини юқори даражаси 14,6 фоизни ташкил этган бўлса, тажрибадан кейин эса 28,1 фоизга ошди. Ўрта даража, – тажрибадан олдин 29,2 фоизни, тажриба-синовдан кейин эса 48,18 фоизни кўрсатди. Паст даража, – тажрибадан олдин 56,2 фоизни ташкил этиб, тажриба-синовдан кейин эса 23,72 фоизга камайди. Тажриба-синовдан кейин тажриба гуруҳи кўрсаткичининг муҳим динамикаси олий таълим муассасалари талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенциянинг ривожлантирилганлик даражасини ўсишини акс эттиради.

Технологик компетенцияларнинг ривожланганлик даражалари



